



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

## ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА САЛОМАТЛИК.

**Абдуллаев И.К., Хасанов Ш.М.**

*Урганч давлат тиббиёт институти. Урганч ш.*

### **Аннотация**

Шахс биринчи галда ижтимоий-биологик мавжудот. Одам боласи дунёга биологик мавжудот бўлиб келади ва ҳар хил ижтимоий муҳитлар таъсирида ижтимоий-биологик мавжудот сифатида шаклланади. Демак, боланинг шаклланишида, ҳам биологик омиллар ҳам ижтимоий омиллар таъсир қилади ва уларнинг натижасида шахсда маълум ёшдан кейин индивидуал психологик хусусиятлар пайдо бўлади. Мавзунини ёритишдан асосий мақсад инсонлардаги шакланган индивидуал психологик хусусиятларнинг уларда аксарият ҳолларда кўплаб касалликларни юзага келтирувчи омил сифатидаги тутган ўрнини очиб беришдан иборат. Шахснинг ҳар қандай турдаги индивидуал психологик хусусиятлари ўзи ва атрофидагиларнинг саломатлиқга ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омил сифатида намоён бўлади ва ўнлаб касалликларнинг олдини олувчи ижтимоий шароит ёки касалликларни келтириб чиқаришда етакчи омил кўринишида таъсир қилади.

**Калит сўзлар:** Шахс, ижтимоий-биологик, бола, муҳит, шаклланиш, омиллар, хусусиятлар, психологик, индивидуал, саломатлик, касаллик.

## ИНДИВИДУАЛЬНЫЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЧЕЛОВЕКА И ЗДОРОВЬЯ.

**Абдуллаев И.К., Хасанов Ш.М.**

*Ургенчский государственный медицинский институт. г. Ургенч*

### **Аннотация**

Человек – это прежде всего социально-биологическое существо. Ребенок приходит в мир как биологическое существо и формируется как социально-биологическое существо под влиянием различных социальных условий. Таким образом, на формирование ребенка влияют как биологические, так и социальные факторы, и в результате этого у человека после определенного возраста проявляются индивидуальные психологические особенности. Главная цель исследования данной темы выявить роль индивидуальных психологических особенностей, сформировавшихся у людей, как фактора, вызывающего у них в большинстве случаев различные заболевания. Любые индивидуальные психологические особенности человека проявляются как фактор, положительно или отрицательно влияющий на здоровье самого человека и окружающих и выступают в качестве социального условия, предотвращающего десятки заболеваний, или как ведущий фактор, вызывающий болезни.

**Ключевые слова:** Личность, социально-биологический, ребенок, окружающая среда, формирование, факторы, характеристики, психологический, индивидуальный, здоровье, болезнь.

## INDIVIDUAL PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF A PERSON AND HEALTH

**Abdullaev I.K., Khasanov Sh.M.**

*Urgench State Medical Institute. Urgench*

### **Annotation**

Humans are, first and foremost, socio-biological beings. A child enters the world as a biological being and is shaped into a socio-biological being by various social conditions. Thus, a child's development is influenced by both biological and social factors, and, as a result, after a certain



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

age, a person begins to develop individual psychological characteristics. The main goal of this study is to identify the role of individual psychological characteristics in the development of various diseases. Any individual psychological characteristics manifest as factors that positively or negatively influence a person's health, both their own and that of those around them, and as social conditions that prevent dozens of diseases or as leading factors causing diseases.

**Key words:** Personality, socio-biological, child, environment, formation, factors, characteristics, psychological, individual, health, illness.

## Мавзунинг долзарблиги

Инсон руҳияти - одамдаги барча фаолиятларнинг ижобий ёки салбий йўналишларини бошқариб турувчи ва белгилаб берувчи асосий жараён саналади. Шахс биринчи галда ижтимоий-биологик мавжудот. Одам боласи дунёга биологик мавжудот бўлиб келади ва ҳар хил ижтимоий муҳитлар таъсирида ижтимоий-биологик мавжудот сифатида шаклланади. Демак, боланинг шаклланишида, ҳам биологик омиллар ҳам ижтимоий омиллар таъсир қилади ва уларнинг натижасида шахсда маълум ёшдан кейин индивидуал психологик хусусиятлар пайдо бўлади [2].

Бу ҳолатни биз болада нималар қай тарзда намоён бўлишида кўришимиз мумкин. Лаёқат, қобилиятлар, характер, хусусият, ҳулқ, иродавий сифатлар, қизиқишлар, темперамент (мижоз), дунёқарашлар ва ҳоказолар. Биолог ва психолог олимлар ўртасида ҳозиргача катта тортишувлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар инсондаги барча хусусиятлар туғма, ижтимоий муҳит уни фақат ривожлантиради дейишсалар, баъзилари бунинг аксини айтадилар. Немис руҳшуносларининг фикрларича инсон боласи ҳали туғилганида у одам эмас, оддий сут эмувчи хайвондир деб қаралади. Қандай бўлмасин инсон дунёга биологик мавжудот бўлиб келиши аниқ. Туғилгандаги айрим фаолиятлар шартсиз рефлекслар орқали амалга оширилади, бу турдаги фаолиятлар хайвон болаларда ҳам мавжуд. Аммо, инсон боласининг бахти шундаки, унга шундай бир ноёб неъмат ато этилганки, унда психика ва онг мавжуд, у ривожланиш ва тараққий этиш хусусиятига эга.

## Мавзунинг асосий мақсади

Мавзуни ёритишдан асосий мақсад инсонлардаги шаклланган индивидуал психологик хусусиятларнинг уларда аксарият ҳолларда кўплаб касалликларни юзага келтирувчи омил сифатидаги тугган ўрнини очиб беришдан иборат.

## Материаллар ва услублар

Инсонларда шаклланган шахсий индивидуал психологик хусусиятлар ва уларнинг касалликлар пайдо бўлишидаги салбий таъсирларига йўналтирилган манбалар ва шахсий ҳаётий тажрибаларни таҳлил қилишда ва баҳолашда асосан тавсифловчи усулдан кенг фойдаланилди.

## Натижа ва муҳокама

Одамлардаги шахсий индивидуал психологик хусусиятлар аслида илмий нуқтаи назардан маълум бир қонуниятлар асосида таснифлансада, бу инсонларда такрорланмас ҳолат саналади. Инсон боласи бошқа хайвон болаларидан фарқи у ҳар томонлама мукамал шаклланган, тайёр ижтимоий муҳитга тушади ва шу ижтимоий муҳитда олдиндан шаклланган барча ижтимоий меъёрлар-одатлар асосида таъкидлаганимиздек ижтимоий-биологик мавжудот сифатида шаклланади. Одатда ота-оналар фарзандларининг рисоладагидек ақлли, тарбияли, билимли, қўлидан иш келадиган, меҳнатсевар бўлишини кўйингки, нимаки яхши хислатлар бўлса ана шу хусусиятлар болаларда бўлишини хоҳлайдилар. Бу табиий ҳол. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор, бу ҳам кам аҳамиятга эга бўлмаган ҳолат. Айрим ота-



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

оналар ўзлари ўзлаштириб олган ёмон одатларни фарзандлари қилмаслигини ва аксинча, ўзлари ҳеч қачон қилмаган ижобий ишларни фарзандлари қилишларини хоҳлайдилар.

Шахсий индивидуал хусусиятларнинг пайдо бўлишида ота-она, атроф-муҳитнинг роли кўпроқ эшитгандами ёки кўргандами деган савол туғилади? Айтайлик ўзингиз ишламасдан фарзандни меҳнатсевар қилиб бўладими ёки ўзингиз битта китоб ўқимасдан уни ўқитиб бўладими? Бу мисолларни яна кўп давом эттириш мумкин. Биз одатда фарзандларимизга баҳо бера туриб, бунисининг характери оғир, буниси яхши ва секин фарқлайди, буниси жуда тез ва кўп гапиради, чаққон, эпчил, тепса тебранмас ва ҳоказо турларга бўлиб қўямиз. Фан тили билан айтсак биринчи галда бу характер. Хўш характер ўзи нима? Унинг инсон соғлигига нима даҳли бор? дейиш ҳам мумкин. Характер -бу шахснинг алоҳида инсонлар ва бир гуруҳ инсонлар мажмуаси, ўз-ўзига, вазиятларга, нарса ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттириладиган сифатларидир. Хўш чекиш, ичиш, вақтичоғлик, дангасалик, меҳнатсеварлик, ақллилик ва ҳоказолар сифат эмасми. Ушбу сифатларнинг барчаси инсон соғлигига тўғридан-тўғри билвосита таъсир этади. Характер ўзи бутун умуминсоний сифатлар мажмуаси, у нафақат соғлиққа инсоннинг бутун ижтимоий, иқтисодий, ижтимоий-психологик ҳолатларини ифодаладиган жараёндр. Айтайлик иродавий сифат – бу инсон саломатлигига бевосита таъсир қиладиган хусусият ҳисобланади. Оддийгина кундалик ҳаётимизда айниқса бугун ёшлар орасида кўпроқ учрайдиган чекишни инсон биринчи галда иродасизлиги сабабли бошлайди ва иродасизлиги боис ташлай олмайди [3]. Иродаси мустаҳкам бўлмаган киши яхши овқатдан ўзини тия биладими? Иродасиз киши ҳар куни эрталаб туриб спорт ёки оддий эрталабки гимнастика билан шуғуллана оладими? Иродасиз киши ўтириб китоб мутолаа қилиб биладими, чидам билан йиллар давомида билим оладими? Йўқ. Хўш ушбу жараёнлар инсон ва уларнинг атрофидагиларнинг саломатлигига салбий таъсир қилмайдими? Қилади. Демак, иродавий сифат – бу ҳар биримиз ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга тўлиқ эришиш йўлида юзага келадиган қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи сифатларимизни ўз ичига оладиган хусусиятимиз. Шахсий индивидуал хусусиятлардан энг муҳими – бу ҳиссиёт саналади. Ҳиссиёт ўзи нима? Ҳиссиёт (эмоция) – бу атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, атрофимиздаги одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга нисбатан билдирадиган қандайдир кўринишда (ташқи ёки ички) муносабатларимиз ҳисобланади. Ўз-ўзидан яна савол туғилади. Ушбу хусусиятнинг саломатликка таъсири қандай кечади? Инсон ўз хулқи характери ва темпераментидан келиб чиқиб атрофига умумий ёки унга бевосита таъсирларга ўзига хос ҳиссиёт билан жавоб беради. Ҳар қандай ҳиссий эмоционал ҳолатлар, йиғи, кўрқич, ҳаёжонланиш, қувонч кабилар марказий асаб тизимининг кучли кўзғалиши билан кечадиган жараён саналади. Натижада бутун организмда у ёки бу ўзгариш юзага келади. Бу ўз навбатида ҳар хил тизим ва аъзоларга салбий ёки ижобий таъсир қилади. Ушбу ҳиссий ҳолат узоқ вақт давом этса (айтайлик оилада ҳар кун жанжал бўлиши), албатта қандайдир касалликка олиб келади. Демак, атрофда бўлаётган ҳодисаларни қандай қабул қилиш бизнинг ҳиссий-иродавий сифатлигимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан саломатлигимизга ушбу хусусият ҳам бевосита таъсир этади. Агар ҳар бир ота-она, тарбиячи, ўқитувчи болаларнинг ана шу хусусиятларини англамасдан тарбиявий тадбирларни олиб борса, мулоқот қилса албатта қутилмаган ҳолатларга дуч келиши мумкин. Бу ўз навбатида тарбиячининг ҳам тарбияланувчининг ҳам соғлигига салбий омил сифатида таъсир кўрсатади. Темперамент характерга нисбатан турғун хусусият саналади. У табиий шартлашган динамик кўринишлари мавжуд хусусият. Темперамент - шахс фаолият ва хулқнинг динамик ва эмоционал (ҳиссий) томонларини ифодаловчи индивидуал хусусиятдир. Демак, темперамент болада узоқ вақт давомидаги ижтимоий муҳитнинг турли-туман таъсири ва қолаверса айрим ирсий омиллар таъсирида аста-секинлик билан шаклланиб ёш ўсиши билан турғунлашиб боради. Аслида ижтимоий-психологик назардан бирон бир темпераментни яхши ёки ёмон, қандайдир бир касалликнинг келиб чиқишида асосий омил бўлади деб айтиш қийин. Аммо



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

жамиятдаги рўй бераётган бирон-бир ҳодиса ёки воқеъликларга ҳар хил темпераментдаги кишилар бошқа-бошқа реакция билан жавоб берадилар. Айнан биз ана шу ички жавоб реакциясининг қай тарзда кечишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак. Сабаби ҳар қандай кечинма организмда биринчи галда марказий асаб тизими ва бошқа аъзоларга ижобий, айрим пайтда бахтга қарши салбий таъсири билан ўтади. Бу жараён айниқса, мунтазам равишда такрорланаверса, албатта ўз маҳсулини касаллик кўринишида бериши мумкин. Узок йиллар давом этган бахслардан сўнг ҳозир одамлар 4 хил темпераментга бўлиниб ўрганилади. Булар сангвиниклар, ҳолериклар, флегматиклар ва меланхоликлар. Буларнинг ҳар биттаси ўзига хос ўнлаб хусусиятларга эгаки, бу биринчи галда марказий асаб тизимининг кўзгалувчанлиги билан намоён бўлади. Хоразм вилоятида 2004-2008 йилларда бевосита ўтказилган илмий ўрганишлар натижасига кўра гипертония касаллиги билан сангвиник ва ҳолериклар, флегматик ва меланхоликларга нисбатан 1,5 - 2 баробар кўпроқ касал бўлиши қайд этилади. Бу тасодифий натижа эмас, албатта [4]. Айнан ана шу масалада шифокорларимиз сангвиник ва ҳолериклар орасида касалланиш хавфи юқори бўлганлар билан кўпроқ ишлашларига тўғри келади. Биз оддий бир ҳақиқатни англадик. Одамнинг барча фаолиятини, шу жумладан соғлигини сақлашга қаратилган фаолиятларини ҳам марказий асаб тизими бошқарар экан. Хўш, марказий асаб тизими психологик нуқтаи назардан қайси турларга бўлинади? Мувоzanатлашган, мувоzanатсиз, инерт ва кучсиз турларга бўлинади ва ҳар биттасидан битта турдаги темпераментга хос бўлган шахслар шаклланади. Айтайлик мувоzanатлашган туридан сангвиниклар. Улар ўзи кимлар? Уларнинг ўзига хос хусусиятлари соғлиқларига қандай салбий таъсир қилиши мумкин. Бу ҳолатни жамиятда оддий инсон ҳам шифокор ҳам ота-оналар ва тарбиячилар ҳам яхши билишлари керак. Бу тоифага кировчилар: кўп, қаттиқ овозда ва тез гапирдилар, тинмайди, ўзгарувчан (ранг-баранг), қўли доимо ҳаракатда, қизиқувчан аммо, қизиқиши турғун эмас, қайфияти доимо юқори, тез йиғлайди, тез кулади, янги муҳитга тез мослашувчан, бегоналар билан тез топишади, фаол шахс, атрофдаги оддийгина ҳолатларга ҳам катта ҳиссиёт ва ҳаёжон билан жавоб берадиган, жahlдор, жahlли тез чиқади. Аммо, уни алдаш осон, ишни кўп ҳолларда ўйламасдан амалга ошириш мумкин. Энди ана шу психологик хусусиятларни тиббий нуқтаи назардан таҳлил қилайлик. Биттагина жahlдорлигининг ўзи организмда ўнлаб касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Кўпчилик адабиётларга мурожаат қилсангиз ҳам асабий жароҳат олишда, гипертония, қандли диабет, инфаркт, инсулт касалликлари ҳам айнан сангвиник ва ҳолерикларда нисбатан кўпроқ учраши қайд этилади. Ҳолериклар ҳам аслида сангвиникларга бир оз яқин шахслар. Улар жўшқин, ҳиссиётли, қизиқиши турғун, жahlдор, гиначи, ҳаёлан бошқалар билан олишувчан, тез ва қаттиқ гапирди. Воқеъликларга катта ҳиссиёт билан жавоб берадилар. Қўйингки, ҳар бир темперамент турининг шу каби хусусиятлари бор. Флегматиклар билан меланхоликлар аслида юқорида таъкидланган иккита турнинг акси бўладилар. Шу боисдан қайд этилган касалликлар уларда нисбатан кам учрайди. Улар босиқ, хотиржам жahlли тез чиқмайдиган, таҳлилчи бир оз кўрқоқроқ бўладилар. Секин шошмасдан гапирдиган асосан меланхоликлар, ҳар қандай ҳис-туйғуларни бошдан кечиришларини билдирмайдилар, бефарқ, ўйловчан ва шу каби ҳислатларга эга [1]. Биттагина шошмасдан хотиржам овқат истеъмол қилишнинг ўзи уни кўпгина овқат ҳазм қилиш касалликларидан сақлаб қолади. Демак, бола маълум бир ёшга етганда ана шу хусусиятлар намоён бўла бошлайди. Ҳар бир бола тарбияси билан шуғулланувчи шахс, ана шу шахсий индивидуал хусусиятларга жуда қаттиқ эътибор қаратиши лозим. Булардан ташқари яна инсонда лаёқат, қобилият, истеъдод, интеллект ва бошқа шахсий хусусиятлар борки, булар ҳам инсон саломатлигига билвосита ва бевосита таъсир қилиши мумкин. Айтайлик, билим даражаси паст, қобилиятсиз киши биринчидан ўзига эътиборсиз, биров овқат тайёрлаб бермагунча оч ўтирадиган, умуман ҳеч қандай қизиқиши йўқ одам. Тўғри одатда ақлий ва жисмоний томондан қандайдир етишмовчиликларга эга бўлган болалар ҳам бўлиши мумкин, бундай пайтларда бу болалар билан албатта махсус



# URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

мутахассислар ишлаши ва қўпинча уларнинг қобилиятларни имкон даражасида ривожлантириш зарур бўлади. Масалан, кўр киши ҳам бозорга бориши, ҳаражат қилиши, ўзига овқат тайёрлаши, йўлларда юриши ва ҳоказо қобилиятларини ўстириши мумкин ва айрим унинг соғлигига салбий таъсир қилувчи омилларни таълим ва тарбия билан қисман бартараф қилса бўлади. Биз одатда меъёрдаги жисмоний ва руҳий ривожланишига эга бўлган шахслар ва уларнинг соғлигига таъсир этувчи омиллар тўғрисида фикр юритдик холос.

## Хулосалар

1. Инсонлардаги шахсий индивидуал психологик хусусиятлар аслида илмий нуқтаи назардан маълум бир қонуниятлар асосида таснифлансада, бу шахсда такрорланмас ҳолат бўлиб, мазкур хусусиятлар инсонни бошқалардан фарқловчи, унинг феъл-атвори, қобилияти, характери, темпераменти, хошиш ва интилишлари, одатлар, кўринишида шахс дунёқарабини аниқловчи ўзига хос психологик, ижтимоий ва биологик сифатлар йиғиндиси сифатида шахснинг амалда ўз ўрнини ва ўзини шахс сифатида жамиятда намоён қилиш усуллари дир.
2. Шахснинг ҳар қандай турдаги индивидуал психологик хусусиятлари ўзи ва атрофидагиларнинг саломатлигига ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омил сифатида намоён бўлади ва ўнлаб касалликларнинг олдини олувчи ижтимоий шароит ёки касалликларни келтириб чиқаришда етакчи омил кўринишида таъсир қилади.
3. Одамлар орасида касалликларни келтириб чиқарувчи ўнлаб, юзлаб салбий омиллар таҳлил натижаларидан келиб чиқиб ишонч билан айтиш мумкинки, руҳиятга боғлиқ бўлмаган касалликнинг ўзи йўқ. Инсон руҳиятини таркиб топтирувчи компонентлар юқорида қайд этилган шахснинг индивидуал психологик хусусиятларининг мажмуидан иборат.
4. Инсонларда шахсий индивидуал психологик хусусиятлар шаклланишининг асосини биринчи навбатда бола туғилиб дунёга келган оила муҳити ва кейинги ижтимоий институтлар, маҳалла, мактабгача ва мактаб муассасалари, касб-ҳунар коллежлар ва техникумлар, олий ўқув юрлари, меҳнат жамоаларида бериладиган ўнлаб турдаги тарбиялар, ирсий омиллар ташкил этади ва улар маълум маънода орттирилган, бошқариладиган жараёнлар дир.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мунавваров А.К. Педагогика / Тошкент, “Ўқитувчи”, 1969.-200 б
2. Абдуллаев И.К., Абдуллаев Р.Р. Ижтимоий-руҳий ҳолатлар ва инсон саломатлиги / Урганч, 2017.-156 б.
3. Абдуллаев И.К. Тарбия -соғлом ҳаёт тарзининг маънавий асоси / Урганч, 2020.-272 б.
4. Абдуллаев И.К., Хасанов Ш.М. Соғлом турмуш тарзи-фарован ҳаёт асоси / Урганч, 2024.-320 б.